

## Ватандан байтуллоғача



### Ватандан байтуллоғача

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

12:00 / 26.06.2022 4625

قِيَمَ عَجَّ فِ لُكْ نَمَنِي تَأِي رِمَاضُ لُكْ يَلَعَوَ اَلْجَرَ كُوتُ أَيَّ حَجَّ لِبَابِ سَانِ لِي فِ نَدَاوُ

**“Одамларни ҳажга чақир, улар сен томон пиёда, узоқ-узоқ йўллардан юриб, озиган уловлар устида келсинлар”** (Ҳаж 27 оят).

عَلَيْ لَعَلَّ لِي لَصَ هَلْ لِي لُؤْسَرَةَ يَبْلَتَنَّ أَمْ هُنَّ عَ هَلْ لِي لَضَرَّ رَمْعُ نَبِّ هَلْ لِي دَبَّ عَنَ عَ  
كَلَّ مَعْنَى لَوَ دَمَّ حَلَّ نِ اَلْ كَيْ يَبْلُ كَلَّ كَيْ رَشَّ اَلْ كَيْ يَبْلُ كَيْ يَبْلُ مَلَّ لِي كَيْ يَبْلُ مَلَّ سَوَ  
اَلْ كَلَّ كَيْ رَشَّ اَلْ كَلَّ مَلَّ اَوَ

*Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг талбиялари  
“Лаббайкаллоҳумма лаббайк. Лаббайка ла шарийка лака лаббайк.  
Иннал ҳамда, ваннеъмата лака вал мулк. Ла шарийка лак!” эди”**  
(Термизий, Бухорий, Насоий ривояти).

Маъноси: “Аллоҳим! Ҳузрингда ҳозирман, Аллоҳим! Ҳузрингда ҳозирман!  
Аллоҳим! Ҳузрингда ҳозирман! Сенинг шеригинг йўқдир! Аллоҳим!  
Ҳузрингда ҳозирман! Албатта, ҳамд, неъмат ва мулк барчаси Сеникидир!  
Сенинг шеригинг йўқ зотсан!”.

## **ҲАЖ САФАРИНИ БОШЛАШ**

Ҳаж сафарига отланишдан олдин ўз гуноҳларига тавбатан насуҳа қилиш лозим ва заруридир. Ҳаж сафаридан асл мақсад гуноҳларга тавба қилишдир. Бирор банданинг ҳаққи тавба қилгувчи зиммасида қолмаслиги тавбанинг қабул бўлиш шартидир. Агар бирор кишига жисмоний ёки молиявий нуқсон етказса, уни адо қилиши, улардан кечирим сўраши ва уларни рози қилиши лозим. Агар бирор кишидан қарздор бўлса, уни қайтариб бериши, агар бирор кишини омонати бўлса, уни ўз эгасига қайтариши даркордир. Бу ишларни амалга оширгандан кейин фикру ҳаёлни бир жойга қўйиб тавбатан насуҳа қилиши лозимдир. Булардан кейин қилинган тавбани қабул бўлишига умид кўпроқдир.

## **ҲАЖ САФАРИГА ЧИҚУВЧИГА ЎТТИЗ ИККИ КЎРСАТМА**

Муборак ҳаж сафарига тайёргарлик кўраётган кишига ҳаж китобларида қуйидаги кўрсатмалар берилади:

1. Ҳаж сафарига отлангувчи кишидан кўнгли ранжиган кишиларни кўнглларини овлаши;
2. Одамлар билан муомалани тўғрилаши;
3. Бирор кишига зулм берган бўлса, ундан кечирим сўраши;
4. Бирор кишини молини еб қўйган бўлса, уни ўзига ёки меросхўрларига қайтариб бериши;
5. Барча қилган гуноҳларидан тавба қилиши;
6. Ота-онасини рози қилиб сафар қилиши;
7. Бола-чақаларини хотиржам қилиб сафар қилиши;
8. Қарзларини адо қилиб сафар қилиши;
9. Солиҳ кишилар билан сафар қилиши;
10. Ҳажнинг фарз ва вожиб масалаларини яхшилаб ўрганиб олиши;

11. Ҳаж китобини ўзи билан олиши;
12. Сафарга тижорат мақсадларини аралаштирмай, холис ибодат мақсадида сафар қилиши;
13. Риё ва шуҳратпарастликдан йироқ тутиши;
14. Сафар давомида ўзини хокисор ва тавозе тутиши;
15. Зарурий нарсаларни сотиб олиш чоғида ҳаддан зиёд сотувчи билан тортишмаслиги;
16. Ҳаж сафари давомида пул сарфлашда ҳасислик қилмаслиги;
17. Шерикларига сарф-харажат қилиш тўғри келиб қолса, мамнуният билан уларга сарф қилиши;
18. Уйдан чиқиб кетаётган вақтда садақа қилиши;
19. Сафар давомида ҳожатманд инсонларга сарф қиламан деб ўзи билан ортиқча маблағ олиши;
20. Икки ракъат намоз ўқиб йўлга чиқиши;
21. Уйдан чиқиб кетаётган пайтда одамлар билан қўл бериб сўрашиб, улардан ҳаққига дуо қилиб туришларини сўраши;
22. Кишилар ҳам ҳаж қилишга кетаётган кишидан дуо қилишини сўрашлари;
23. Кузатувчи ҳам, сафарга кетувчи ҳам ўз дуоларини ўқишлари;
24. Сафар дуосини ўқиши;
25. Сафар давомида қаерга тушсалар, ўша жойда икки ракъат намоз ўқиб олиши (мустаҳаб);
26. Сафар давомида Аллоҳ таолони зикрини қилиб, ота-онаси, фарзандлари ва барча мусулмонлар ҳаққига дуо қилиши;
27. Сафар давомида тортишиш, дилозорлик ва тилозорлик каби нарсалардан сақланиши;
28. Барча билан ҳалимлик билан муомала қилиши;

29. Беш вақт намозни имкони борича жамоат билан адо қилиши;
30. Намозларни ўз вақтида адо қилиши;
31. Суннати равобиталарни иложи борича тарк қилмаслиги;
32. Самалиётда намоз вақти бўлиб қолса, ҳеч кимга озор бермай, намоз ўқийдиган жойда намозларини ўз вақтида ўқиб олиши.

## УЙДАН ЧИҚИШ

Уйдан сафарга чиқиб кетаётган вақтда икки ракъат сафар намозини ўқиб олиши суннатдир.

مَلَسَ وَوَجَّهَ لَعَلَّ يَلْصِقَ لَلْأُكُوفِ لِقَاقٍ لِقَاقٍ نَعْلًا لِيَضْرِبَ دِقْمًا نَبِيًّا مَعَطْمًا لِنَعْرِفُ سُلُوكَ دِيَارِ نِيْحٍ مُدْنَعِ أُمَّةٍ كَرِيْمَةٍ نِيْتَعَكِرُ نَمْلًا لَصْفَاءٍ وَلَوْ أَلَعَّ دُبْعَ فَلَاحِ أَمٍّ

*Мутъим ибн Миқдом розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Сафарга чиқувчи одам хонадон аҳлига сафар олдидан ўқиладиган икки ракъат намоздан афзалроқ нарса қолдирмабди”** (Канз ул-Уммол).

اهي ايلق) ةحتافلادعب امه نملوأل ي ف أرق ي نأ بحتسري : انباحصأ ضع ب لاق دع ب لولأل ي ف أرق ي : مهضع ب لاقو . (دأ هلل وه لق) :ةيناثل ي فو (نورفاكل ل أرق ملس اذإف (سانل بربذوعأ لق) ةيناثل ي فو (قلفل برب ذوعأ لق) ةحتافلادعبصي مل هلزنم نم هجورخ لبق يسركلل ةي آ أرق نم نأ ءاج دقف ،يسركلل ةي آ امامإل لاق دقف (شيرق فاليل) ةروس أرق ي نأ بحتسري و ،عجري ى تحت ههركيئش تاماركلل بحاص ،يعفاشلل هيقفلل ،ينيوزلانسل وبأ ليلجل ديسللا ءوس لك نم نام هه : ةرهاظتمل فراعمل او ،ةرهابل لاول او ،ةرهاظلل

**“Баъзи асҳобларимиз: “Сафар намозининг биринчи ракъатига “Фотиҳа”дан кейин “Кафирун” сурасини иккинчи ракъатига ихлос сурасини зам қилиш мустаҳабдир” деганлар. Баъзилар эса: “Биринчи ракъатга “Фотиҳа” сурасидан кейин “Фалақ” сурасини, иккинчи ракъатга “Нас” сурасини зам қилади” деганлар. Салом бергандан кейин “Оятал курсий”ни ўқийди. Ривоятларда, кимки уйдан чиқишидан олдин “Оятал курсий”ни ўқиса, то уйига**



**“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Сафар қилишни ирода қилсалар:**

**“Аллоҳумма бика асулу ва бика аҳулу ва бика асийру” дер эдилар**  
(Имом Аҳмад ривояти).

Маъноси:

Аллоҳим ҳиммат ва ҳафсала ила етиб боришга, гуноҳлардан тийилишга ва сафар қилишга Сендан мадад сўрайман.

### **ЯҚИНЛАРИДАН РУХСАТ ОЛИШ**

Яқин қариндош-уруғлари ва дўстлари томондан ҳаж сафарига чиқишга рухсат бўлганидан кейин қуйидаги дуони ўқийди:

إِذَا مَلَاسَ وَهِيَ لَعَلَّ لِي صِيَّبًا نَلَّ نَأْكُلُ لِقَاءَهُ نَعْلَلِي ضَرِّيْ طَخُّ لَلَّ لِدَبْعِ نَعْلَلَّ  
«مُكَلِّمًا غَمِّي تَأْوَحُّوْ مُكْتَنًا أَوْ مُكْنِي دَلَّ لِعَدْوْتِ سَأَلَّ لِقَائِيْ جَلَّ عِدْوْتِ سَيَّ نَأْدَارًا».

*Абдуллоҳ Хитмий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Аскарлар билан хайрлашишни хоҳласалар:**

**“Аставдиъуллоҳ дийнакум ва амаанатакум ва хавотийма  
аъмаликум” дердилар**” (Абу Довуд ривояти).

Маъноси:

Мен сизларни динингиз, омонатингиз ва ишларингизнинг охирини Аллоҳ таолога топширдим.

### **ҲАЖ ҚИЛУВЧИ КИШИДАН ДУО СЎРАШ**

Ҳаж сафарига жўновчи кишидан бизни ҳам хос дуоларингизда эслаб ҳаққимизга дуо қилиб қўйинг, деб илтимос қилиш жоиз ва ҳадислар билан



**“Ҳожи ва умра қилувчи Аллоҳнинг меҳмонидир. Агар Аллоҳга дуо қилсалар дуоларини ижобат қилади. Агар Ундан мағфират сўрасалар уларни мағфират қилади” дедилар”** (Ибн Можа ривояти).

Юқорида келган ҳадислардан Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобий розияллоҳу анҳулар замоналарида ҳаж ва умра қилувчилардан дуо сўраб илтимос қилиш собитлиги маълум бўлади. Шунинг учун ҳаж ёки умрага кетувчилардан дуо қилишларини илтимос қилиш жоиз ва дурустдир.

Лекин, ҳажга кетувчи ҳаж сафари олдидан издиҳом қилиб одамарни чақириши ёки тухфа улашиши ёки ҳожини аэропортгача қўш-қўш мошиналар билан кузатиб қўйиш ва бошқа шу турдаги ишларнинг барчаси жоиз эмас. Буларнинг барчаси исроф ва ҳаж амалига нуқсон етказадиган ишлардандир. Ҳа, албатта зарурат юзасидан бир-икки киши ҳожини аэропортгача кузатиб қўйиши ва кутиб олишини зарари йўқ.

## **УЛОВГА ЧИҚҚАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

إِذَا نَأَى مَلَسَ وَهِيَ لَعَلَّ يَصُوبُ النَّانَ عُنَّ لَللَّيْضَرَ رَمْعَنْبِ لَللَّ دَبَّعَنْ عَنِ  
نِي نَرْقُمْ هَلْ أَنْكَ أَمْ وَأَهْ أَنْ لَلَّ سَخَسَ يَدَّ أَنْ أَحْبُسَ «لَأَقُومُ ثَأَثَ لَثَّ رَّبِّكَ هَتْ لَحَارَ بَكَرَ  
«نُؤِبَلَقُ نُنْمَلْ أَنْ بَرَّ لَلَّ أَنْ إِيؤُ».

*Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Набий соллоллоҳу алайҳи васаллам уловларига минсалар уч бор такбир айтиб:**

**“Субҳаналлазий саххоро ланаа ҳаза ва маа куннаа лаҳу муқринийна ва иннаа илаа Роббинаа ламунқолибуун”, дер эдилар”** (Термизий ривояти).

Маъноси:

**“Бизларга бу (маркаб)ни бўйсундириб қўйган Зот айбу нуқсондан покдир. Бизлар ўзимиз бунга қодир эмас эдик. Шак-шубҳасиз, бизлар (барчамиз) Роббимизга қайтгувчидирмиз”** (Зухруф 13-14 оятлар).



## БИРОР ЖОЙГА ТУШГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

نَبِيْلَزُّنْمُ الْاُرِّيْحَ تَنْوَاوَاكَرَابُمْ اَلزُّنْمُ يَنْلَزْنُ اَبَر

**“Эй Роббим, мени муборак манзилга туширгин, Сен, Ўзинг манзилга туширгувчиларнинг энг яхшисисан”** (Мўминун 29 оят).

## ДЕНГИЗ УСТИДАН САМАЛИЁТДА ЁКИ КЕМАДА ЎТИБ КЕТАЁТГАН ПАЙТДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

يَتُّمُّ اَلْاُنَامُ: "مَلَسَوْهُ لَعَلَّ لِي لَصْرٌ لَلْاُلُوسِرِّ لَاقٍ: لَاقٍ سَابَعٍ نَبِيْلَزْنُ اَبَر  
ضُرَّ اَلْاَوْرَدَقُ قَحَّ لَلْاَوْرَدَقِ اَمَّوْ كَلَمَلِ لَلْاَمْسَبِ نُنْفُ سَلِي فَاوْبِكْرٍ اِذِ قَرَعَلْنَا  
اَمَّ عِلَاقَتَوْ هَنَّا حُبُّ سِرِّ هَنَّا مَيِّبُ تَايُ وُطْمُ تَاوْمَسَلِ اَوَّ مَ اَيُّ قَلِّ مَوِي هُ تَضُبُّ قِ اَعْيَمَج  
مَيِّ حُرُّ رُوْفَعَلِّ يَبَرُّ نِ اِهَاسُرُّ مَوَا اَهَاجَمُ لَلْاَمْسَبِ " , "نُوكُرُشِّي

*Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Умматим кемага минганларида чўкиб кетишдан омонда бўлишларига сабаб бўлувчи нарса:**

**“Бисмиллаҳил малики” ва “Вамаа қодаруллоҳа ҳаққо қодриҳи вал арзу жамиъан қабзатуҳу явмал қиямати вас самаваату матвийяатун биямийниҳи субҳаанаҳу ватаъалаа аммаа юшрикуун” ва “Бисмиллаҳи мажреҳаа ва мурсааҳаа инна Роббий лағофурур роҳийм” дир”, дедилар”.**

Маъноси:

**“Улар Аллоҳнинг қадрини тўғри тақдирламдилар. Ҳолбуки, ер борлигича Унинг сиқимидадир. Осмонлар эса, Унинг қудрат қўлига йиғилгандир. У зот улар ширк келтираётган нарсалардан пок ва юксакдир”** (Зумар 67 оят)



**“Аллоҳумма инний урийдул умрота фаяссирҳаа лий ва тақоббалҳаа минний”** (Бадоиус саноиъ).

Маъноси:

Аллоҳим умра қилишни ирода қилдим. Бас, уни менга осон қилиб, уни мендан қабул қилгин.

Таматтуъ қилувчи саккизинчи зул ҳижжа куни ҳажга эҳромга кириб, қуйдаги дуони ўқийди:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْ لَئِيْنَ لِّبَقَاةٍ وَّ يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْ لَئِيْنَ لِّحُجَّةٍ اٰدِيْرُا يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْ لَئِيْنَ لِّمُجَلَّلِا

**“Аллоҳумма инний урийдул ҳажжа фаяссирҳу лий ва тақоббалҳу минний”** (Бадоиус саноиъ).

Маъноси:

Аллоҳим ҳаж қилишни ирода қилдим. Бас, уни менга осон қилиб, уни мендан қабул қилгин.

Агар дуони араб тилида айта олмаса, уни таржимасини ўз тилида айтиши мумкин. Юқоридаги тартибда эҳром боғлагандан кейин умра қилувчи эркак киши умра ниятида овоз чиқариб талбия айтади. Аёл киши эса, оҳиста талбия айтади. Шу билан умра эҳроми мукамал бўлади. Эҳромга кирган киши ёки аёл эҳром ҳолатида нима нарсалар манъ қилинган бўлса, улардан сақланиши лозим бўлади. Талбияни такрор-такрор айтади. Унинг лафзлари “Талбия” сарлавҳаси остида қуйида зикр қилинади. Агар аёл нопок ҳолатда бўлса, дуо ва талбиялар билан эҳромга киради. Лекин, ундай ҳолатдаги аёл намоз ўқимайди. Агар самалиётга чиқишдан илгари эҳромга кирмаган бўлса, самалиёт Жиддага қўнишидан бир соат аввал ёки Жидда аэропортида эҳромга кириб олади. Агар эҳром боғламай бу ердан ўтиб кетса, жиноятига бир қон вожиб бўлади.

## **ҲАЖ ЭҲРОМИ**

Фақат ҳаж ибодатини қилишга отлангувчи ўз юртидан ҳаж учун эҳромга, таматтуъ қилувчи эса, зул ҳижжанинг еттинчи ёки саккизинчи куни Маккаи мукаррамадан ҳажга эҳромга, Ҳилда истиқомат қилувчи ёки

Мадинаи мунавварадан келувчи ҳажга эҳромга кирсалар, қуйидаги дуони ўқийди:

يٰۤاَيُّهَا اللّٰهُ اِنِّيْ اُحْسِبُ الْحَجَّ اَدْيَاۤءًا وَّ اِنِّيْ اَسْئَلُكَ الْجَنَّةَ وَ اِنِّيْ اَسْئَلُكَ الْجَنَّةَ وَ اِنِّيْ اَسْئَلُكَ الْجَنَّةَ

**“Аллоҳумма инний урийдул ҳажжа фаяссирҳу лий ва тақоббалҳу минний”** (Бадоиус саноиъ).

Маъноси:

Аллоҳим ҳаж қилишни ирода қилдим. Бас, уни менга осон қилиб, уни мендан қабул қилгин.

Агар ушбу дуони ёддан билмаса, унинг маъносини ўз тилида адо ўқийди.

## ҚИРОН ЭҲРОМИ

Қирон қилувчи, яъни ҳаж ва умра иккаласини бирданига қилишни истагувчи, қуйидаги дуони ўқийди:

يٰۤاَيُّهَا اللّٰهُ اِنِّيْ اُحْسِبُ الْحَجَّ اَدْيَاۤءًا وَّ اِنِّيْ اَسْئَلُكَ الْجَنَّةَ وَ اِنِّيْ اَسْئَلُكَ الْجَنَّةَ وَ اِنِّيْ اَسْئَلُكَ الْجَنَّةَ

**“Аллоҳумма инний урийдул умрота вал ҳажжа фаяссирҳумаа лий ва тақоббалҳумаа минний”** (Бадоиус саноиъ).

Маъноси:

Аллоҳим ҳаж ва умра қилишни ирода қилдим. Бас, уни менга осон қилиб, уни мендан қабул қилгин.

Эҳром намозидан кейиноқ юқоридаги дуони ўқиб, эҳром нияти билан талбия айтади.

## ТАЛБИЯНИНГ ЛАФЗЛАРИ

اَللّٰهُمَّ اِنِّيْ اَسْئَلُكَ الْجَنَّةَ وَ اِنِّيْ اَسْئَلُكَ الْجَنَّةَ وَ اِنِّيْ اَسْئَلُكَ الْجَنَّةَ  
اَللّٰهُمَّ اِنِّيْ اَسْئَلُكَ الْجَنَّةَ وَ اِنِّيْ اَسْئَلُكَ الْجَنَّةَ وَ اِنِّيْ اَسْئَلُكَ الْجَنَّةَ

**Лаббайкаллоҳумма лаббайк. Лаббайка ла шарийка лака лаббайк.  
Иннал ҳамда, ваннеъмата лака вал мулк. Ла шарийка лак.**

Маъноси:

Аллоҳим! Ҳузрингда ҳозирман, Аллоҳим! Ҳузрингда ҳозирман! Аллоҳим!  
Ҳузрингда ҳозирман! Сенинг шеригинг йўқдир! Аллоҳим! Ҳузрингда  
ҳозирман! Албатта, ҳамд, неъмат ва мулк барчаси Сеникидир! Сенинг  
шеригинг йўқ зотсан!.

Ҳожи ёки умра қилувчи талбияни кўп айтади. Чунки, ҳадиси шарифда бу  
ҳақда шундай дейилган:

”يَا أَيُّهَا السُّمَلِسُو هِيَ لَعَلَّ يَصِيَّبَنَّ الْأَنْعَامَ لِيَضْرُقَ وَيُصَلِّ رُكْبَتَيْ بَابِ أَنْعَامِ  
جَّثَلًا وَجَعَلًا لَأَقْفُضَ أَجْحَلًا

*Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан қайси ҳаж афзалдир?” деб  
сўралди. У зот:**

**“Баланд овозда талбия айтилгани ва қон оқизилгани”, дедилар”**  
(Термизий ривояти).

## **ҲАРАМ ҲУДУДИ**

Жиддадан Маккаи мукаррамага кетишда бир катта арк чиқади. Ўша аркка  
катта бир Қуръон қўйилиб қўйилгандай туйилади. Ундан уёғига мусулмон  
бўлмаган кишилар ўтмайди.

## **ҲАРАМ ҲУДУДИГА КИРГАНДАН КЕЙИН ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Ҳарамга киришда қуйидаги дуо ўқилади:

”مِنْ مَنِي مَهَلِّ رَانَ لِي لِي مَظْعُو وَيَمْدُو يَحْمَلُ مَحْفُكٌ لِسُورِ مَحْوِ كَمَحْ اذِهِ مَهَلِّ لِي  
كِدَابِعِ شَعْبَتِ مَوِي كَبَادِعِ

**“Аллоҳумма инна ҳааза ҳарамука ва ҳараму расулика. Фаҳаррим лаҳмий ва дамий ва аъзмий аълан наари. Аллоҳумма ааминний мин аъзабика явма табъасу иъбадака”.**

Маъноси:

Эй, Аллоҳим бу Сенинг Расулингни ҳарамии. Гўштимни, қонимни ва суягимни дўзахга ҳаром қилгин. Эй, Аллоҳим! Бандаларингни қайта тирилтирадиган кунингдаги азобингдан мени эминда қилгин.

## **ҲАРАМНИНГ ҲАР ТОМОНДАН ҲУДУДИ**

Ҳарам ҳудудларини билиб олиш орқали кўплаб ҳарамга тегишли ҳукмларни билиб оламиз. Ҳарам ҳудудлари қуйидагилар:

- 1. Танъийм** – Масжиди ҳарамдан олти километр узоқликда жойлашган ҳарамнинг энг яқин чегараси ҳисобланади. Бу жой Маккаи мукаррама билан Мадинаи мунаввара йўлида жойлашган. Бу жойда Масжиди Оиша розияллоҳу анҳо мавжуд. Маккада истиқомат қилувчилар бу ерга келиб, умрага эҳромга кирадилар;
- 2. Нахла водийси** – Нажд, Риёд ва Тоифга олиб борувчи катта йўлдан Қорнул манаазил мийқотига кетиш йўлида жойлашган бўлиб, Нур ва Ҳиро ғорининг олди томонида жойлашгандир. У ҳарамдан ўн тўрт километр узоқликда жойлашган. Ҳозирда у ерлар Маккаи мукаррама шаҳрига қўшилиб кетган;
- 3. Арафот билан Муздалифа** орасидаги йўл – у Ҳарамдан ўн етти километр узоқликда жойлашган. Бу ерда ҳарам ҳудудини билдириб турувчи арк қурилган;
- 4. Ҳудайбия** – у Ҳарамдан йигирма икки километр узоқликда жойлашган. Нишондан икки километр узоқроқда ҳудайбия сулҳи бўлиб ўтган жойда Ризвон байъати бўлиб ўтган. Ҳозирда у жойда Масжиди байъати ризвон жойлашган бўлиб, у Ҳарамдан йигирма тўрт километр узоқликдадир;
- 5. Жиърона** – у Ҳарамдан йигирма тўрт километр узоқликда жойлашган. У ерда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳунайн ва Ҳавозин ўлжаларини тақсимлаганлар;

6. **Азоти либн ёки Уққайшия** – у Ҳарамдан йигирма уч километр узоқликда жойлашган;

7. **Еттинчи мийқот** – тоиф йўлида жойлашган бўлиб, унга Арафот ва янги Жомеи уммул қуро орқали борилади. У Ҳарамдан ўн олти километр узоқликда жойлашган.

## **МАККАИ МУКАРРАМАДА ҚИЛИНИШИ КЕРАК БЎЛГАН ЗАРУРИЙ ИШЛАР**

Масжиди ҳарамга киришга бир неча дарвозалар барпо қилинган бўлиб, улардан боби салом дарвозаси орқали Масжиди ҳарамга кириш афзалроқдир. Бу дарвоза Сафо ва Марва тепалиги томонда жойлашган бўлиб, унинг пештоқига боби салом деб ёзиб қўйилган. Масжиди ҳарамга ўнг оёқ билан қуйидаги дуони ўқиб кирилади:

يٰۤاَللّٰهُمَّ اِنِّىْ اَسْـَٔلُكَ بِاَنَّكَ تَعْلَمُ سِرِّىْ وَتَخْفَىْ عَنِّىْ وَتَدْرِىْ مَا لَمْ يَدْرِىْ عَلٰى سِوٰىكَ وَتَدْرِىْ مَا لَمْ يَدْرِىْ عَلٰى سِوٰىكَ وَتَدْرِىْ مَا لَمْ يَدْرِىْ عَلٰى سِوٰىكَ وَتَدْرِىْ مَا لَمْ يَدْرِىْ عَلٰى سِوٰىكَ  
...كُنْتَ مَخْرَبًا وَّوَبَّأَيْ حَتْفٍ وَّوَيْبُؤُنْذِي رُفْعًا مُّهِلًّا مَّسْجِدًا وَّوَيْبُؤُنْذِي رُفْعًا مُّهِلًّا مَّسْجِدًا وَّوَيْبُؤُنْذِي رُفْعًا مُّهِلًّا مَّسْجِدًا وَّوَيْبُؤُنْذِي رُفْعًا مُّهِلًّا مَّسْجِدًا

*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Фотима розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидга кирсалар:**

**“Бисмиллаҳи вас саламу аъла расулиллаҳи соллаллоҳу алайҳи васаллама. Аллоҳум мағфир лий зунуубий вафтаҳ лий абвааба роҳматика”...дер эдилар”** (Термизий ривояти).

Маъноси:

Аллоҳ таолонинг номи билан кираман. Салавоту саломлар расулинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлсин. Аллоҳим гуноҳларимни авф этиб, Ўзингни раҳмат эшигингни менга очгин.

## **БАЙТГА БИРИНЧИ НАЗАР ТУШГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Масжиди ҳарамга кирилгандан кейин биринчи Байтга назар тушиши билан қуйидаги дуони ўқиб, Аллоҳ таолодан сўрайдиган нарсаларини сўрайди:

اَدَّهٗ كَتَّيْبَ ۚ دِرْمُ ۙ لَلِاِمِّ ۙ لَسَلِاِبِ ۙ اَنْبَرِ ۙ اَنْيَحَ ۙ فُمِّ ۙ اَلْسَلِاِ كُنْمُو ۙ اَلْسَلِاِ تَنْ اُمُّ ۙ لَلِاِ  
هَرَمْتَعَا ۙ وَاُحَّحُّ ۙ نُمْمِ ۙ وِمَرَكُو ۙ وِمَظْعَو ۙ وِفَرَشْ ۙ نُم ۙ دِرْوَةَ ۙ اَهْمَ ۙ وَاَمِيْرِكَتَ ۙ وَاَفِيْرَشَتَ ۙ وَاَمِيْطَعَتَ  
اُرْبَ ۙ وَاَمِيْطَعَتَ ۙ وَاَفِيْرَشَتَ

**“Аллоҳумма антас салам ва минкас салам фаҳаййнаа роббанаа бис салам. Аллоҳумма зид байтака ҳаза таъзийман ва ташрийфан ва такрийман ва маҳаабатан ва зид мин шарафиҳи ва иъзамиҳи ва карамиҳи мимман ҳажжаҳу ав эътамараҳу ташрийфан ва таъзийман ва биррон”.**

Маъноси:

Эй Аллоҳ, Сен салом (тинчлик)сан ва салом Сендандир. Эй Роббимиз, бизнинг салом билан ҳаёт кечиршимизни насиб эт. Эй Аллоҳ, ушбу Байтнинг шарафини, улуғлигини, ҳурматини ва яхшилигини зиёда қил. ҳаж ва умра қилувчилардан ким уни шарафласа ва улуғласа, ўшанинг ҳам улуғланишини, шарафини ва ҳурматини, ҳайбатини ва яхшилигини зиёда қил.

Агар ушбу дуони ёдлаган бўлса, у дуони ўқийди, бўлмаса ўз тилида дуонинг мазмунини айтиб, Аллоҳ таолодан муродини сўрайди.

## **БИРИНЧИ ҚИЛИНАДИГАН ИШ ТАВОФДИР**

Масжиди ҳаромга кирилгандан сўнг энг биринчи қилинадиган иш бу Байтни тавоф қилишдир. Тавоф ҳажари асвадни истилом қилиш билан бошланиб, ҳажари асвадда тавоф тугатилади. Ҳар айланишда “Бисмиллаҳи валлоҳу акбар” деб ҳажари асвадга қўли билан ишора қилиб, қўлини ўпади. Агар аёл киши нопок ҳолатда бўлса, тавоф қилмай пок бўлишини кутиб туради.

## **ТАВОФГА КИРИШИЛАЁТГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**



Тавоф қилишга киришилаётган пайтда қуйидаги дуо ўқилади:

ءَافَوَّوْكَبَاتِكَ بَاقِي دُصَّتَ وَكَبَّ أَنْ أَمِي مُهَلَّلَا آ. رَبِّكَ أَهَلَّلَا وَهَلَّلَا مَسَاب  
مَلَسُو هِي لَعَلَّلَا لَصِدِّمَحْمُ أَنْ دِي سَكَي بَنَّة نَسَلْ أَعَابَّتْ أَوَّلُكَ دَعْب

**“Бисмиллаҳи валлоҳу акбар. Аллоҳумма ийманан бика ва тасдийқон би китабика ва вафаан би аҳдика ва иттабъан ли суннати набиййика саййидина Муҳаммадин соллаллоҳу алайҳи васаллам”, дейди.**

Маъноси:

Аллоҳнинг номи билан, Аллоҳ улуғдир. Эй Аллоҳ, Сенга иймон келтириб, Сенинг китобингни тасдиқлаб, Сенинг аҳдингга вафо қилиб ва пайғамбаринг саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргашиб тавофни бошлайман.

Агар бу дуони ўқий олмаса, **“Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар валиллаҳил ҳамд”**ни ўқиса кифоя қилади. Етти мартаба тавоф қилиш давомида ўқиладиган дуолар китоб охирида келтирилган.

## ҚОРА ТОШ

Мақоми Иброҳим билан қора тош иккалалари ҳам жаннат тошларидандир. Бу ҳақда ҳадисларда шундай дейилган:

هَيْلَعُ هَلَّلَا لَصِدِّمَحْمُ لَوُسَّرُتْ عَمَسُ لُوْقِي هَيْلَعُ هَلَّلَا لِيضَرَّ وَرَمَعُ نَبَّ هَلَّلَا دَبَّعُ نَع  
وَلْ وَ أُمَّهُرُونُ هَلَّلَا سَمَطِ هَلَّلَا تُوْقَايَ نِمْنَ اتَّ تُوْقَايَ مَاقْمُ لَوْنُ كُورْلَانِ لُوْقِي مَلَسْ وَ  
بِرْعَمُ لَو قُرْشَمُ لَانِي بَ أَمَّ اتَّضَّ أَلْ أُمَّهُرُونُ سَمَطِي مَل

*Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**У: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Рукн (қора тош) ва мақом (мақоми Иброҳим) жаннат ёқутларидан икки ёқут (тош) эди. Аллоҳ у иккисини нурини ўчирди. Агар у иккисини нурини ўчирмаганида, машриқ билан мағриб ўртасини ёритар эди” деяётганларини” эшитдим” деди (Термизий ривояти).**

تُوْقَايَ نِمْنَ اتَّ تُوْقَايَ مَاقْمُ لَوْنُ كُورْلَانِ " لَاقُ أُمَّهُرُونُ هَلَّلَا لِيضَرَّ سَابَّعُ نَبَّ لَانَع  
أَفْطَأُ أَمَّ الْوَلْ وَ ، أُمَّهُرُونُ تَفُطِ صُرَّالْ يَ فِ اعْضُ وَأَمَّ لَفُ ، رُونُ أُمَّهُرُونُ سَلَّالْ نِمَّ أَلْزَنُ هَلَّلَا

مَدَامْ هَبْ عَلَى الْعَتُّ هَلْ لَسْنَا ضُرًّا لِعِوَاءِ مَسْأَلِ نَبِيٍّ أَمْ عَاضُ أَلٍ ؛ أَمْ هَرُونَ نَمَّ لَجَّ وَزَعُ هَلْ لَسْنَا  
مُتَّالِسِينَ لِأَهْلِ عِلْمٍ دَاخِلًا ، أَمْ هَضَائِبِ عَدِّشٍ نَمَّ أُولُؤَالَتِنَا أَلَّتِي أَنْكَفُ ، مُتَّالِسِينَ لِأَهْلِ عِلْمٍ  
عَلَيْهِمْ أَجْرٌ يَدِيٍّ نَمَّ لَجَّ وَزَعُ هَلْ لَسْنَا عَبَطَ أَمْ أَلْوَلَوْنَا ، هَبْ أَسْأَلُ نَسْأَلُ عِلْمٍ لِيَّ مَضْفَ نَنْكُرُ لَنَا  
مَاقِمًا أَوْ نَنْكُرُ لَنَا أَلْإِنِّجَالِ نَمَّ عِيَّ شِضْرًا لِيَّ سَسِيْلَوْنَا ، صَرْبًا أَوْ مَكْرًا أَلْأَرْبَالِ  
يَبَّأُ نَمَّ مَطْعًا لِمَا يَقُولُ مَوْيَا أَمْ هَنْ مَرِحَ أَوْ لُكَّ يَتَأَيَّ ، عِنِّجَالِ رَهْوَجٍ نَمَّ نَاتَرَهْوَجَ أَمْ هَنْ إِفَّ  
عَافَ وَوَلِيَّابَ أَمْ هَفَاوْنَا مَلْدَنَ أَدَهْ شَيْدِنَا تَفَشَّوْنَا نِيَّ عَ أَمْ هَلَّ عِ سَسِيْبُقِ

*Ибн Аббос розияллоху анхумо:*

**“Рукн ва мақом жаннат ёқутларидан икки ёқутдир. Иккиси осмондан тушганида у иккисини нури бор эди. Ерга иккиси қўйилганида у иккисини нури ўчирилди. Агар у иккисини нурини Аллоҳ ўчирмаганида, албатта ер ва осмон ўртасини ёритиб турар эди. Аллоҳ таоло у иккиси билан Одам алайҳиссаломни ҳурсанд қилди. Иккиси жуда оқ бўлганлигидан ялтирар эди. Одам алайҳиссалом рукни олиб, у(Каъба) билан дўст бўлиши учун ун (каъба)га қўшди. Аллоҳ аzza важалла жоҳилият қўли билан муҳрламаганида кўр ва песни тузатар эди. Ер юзида рукн ва мақомдан бошқа жаннатдан бирор нарса йўқ. У иккиси жаннат жавҳарларидан икки жавҳардир. У иккисидан ҳар бири қиёмат куни Абу Қубайсдан улкан бўлиб келади. У иккисини икки кўзи, икки лаби бўлиб, иккисига вафо қилган кишилар фойдасига гувоҳлик берадилар” деди.**

Қора тош ҳозирда кумушдан бўлган бир халқа билан ўраб қўйилган. Қора тош исёнкорлар томонидан бўлакларга бўлиб ташланган бўлиб, ҳозир халқа ичида ўша бўлаклар мавжуддир. Шу боис халқани ўпиш билан суннат адо бўлмайди. Балки, қора тошни ўша бўлакларини ўпиш билан суннат адо бўлади. Билинки, қора тошни ўпиш билан гуноҳлар авф бўлади. Лекин, қора тошни ўпаман деб барчага зарар етказмаслик лозим.

## РУКНИ ЯМОНИЙ

Тавоф вақтида рукни ямонийга етилганда икки қўли ёки ўнг қўли билан уни ушлаб қўйиш суннатдир. Ўпиш эса, суннатга хилофдир. Яна шуни эсда тутиш керакки, рукни ямонийни ушлаётганда кўкси билан у тарафга бурилмай ушлайди. Аммо, қора тошни истилом кўкси билан у томонга бурилиш мумкин. Агар рукни ямонийни ушлаш имкони бўлмаса, уни

ушламай тавофида давом этади. Чунки, у ерда тиқинни юзага келтриш мумкин эмас. Ҳара шавтда қор тош рўбарўсига келганда “Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар” деб қўли билан қора тошга ишора қилиб, қўлини ўпади.

Китоб охирида алоҳида-алоҳида ҳар шавтга тегишли дуоларни келтирганмиз. Тавоф ва саъй ҳақида мукаммал маълумотни “Тавоф, саъй” сарлавҳаси остида келтирамиз.

مَوْلُكَ قَلْبًا رِيحَ كَيْفِ صَاحِبِ آدَبٍ أَمَّادٍ مَّسْوَئِلِص

أَرِيثَكَ هَلْ دُمُخْلًا وَأَرِيبَكَ رَبُّكَ أَهْلًا

أَلِيصًا أَوْ رَكُوبًا هَلْ لَنَا حُبُّ سَوَا